

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 2



@QMI_Instituti



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
2-son
iyun, 2025

June 2025
Volume 3
Number 2

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Овчиников Виктор Николаевич – i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Солодовников Сергей Юревич – i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Сидиров Виктор Александрович - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Шевченко Игорь Викторович - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullayevich - i.f.d., professor (Qozog'iston davlat texnologiya universiteti)

Samandarzoda Iskandar Hakim - i.f.d., i.f.d., professor (SH.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Гибадуллин Артур Артурович Национальный исследовательский университет Московский энергетический институт

Войнаш Сергей Александрович Казанский приволжский (федеральный) университет

Пуляева Валентина Николаевна Финансовый университет при Правительстве РФ

Морковкин Дмитрий Евгеньевич Финансовый университет при Правительстве РФ

Садриддинов Манучехр Исломиддинович Международный университет туризма и предпринимательства Таджикистана, Душанбе

Перская Виктория Вадимовна директор Института исследований международных экономических отношений, Финансовый университет при Правительстве РФ

Молчанов Игорь Николаевич Профессор экономического факультета. Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова

Басова Мария Михайловна Заместитель декана факультета налогов, аудита и бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Чупин Александр Леонидович Заместитель декана экономического факультета Российский университет дружбы народов имени П.Лумумбы

Незамайкин Валерий Николаевич Профессор кафедры финансов и кредита Российский государственный гуманитарный университет

Никонорова Алла Владимировна Доцент кафедры экономической теории Финансовый университет при Правительстве РФ

Дмитриева Ольга Александровна Доцент кафедры налогов и налогового администрирования факультета налогов, аудита и бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Швец Юрий Юрьевич Лаборатория управления инновациями, Институт проблем управления Российской академии наук

Колосова Елена Валерьевна Лаборатория управления инновациями, Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Bozorov Orifjon Shodiyevich – t.f.n., dotsent

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich – i.f.d., professor

Hakimov Obidjon Arzikulovich – i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich- i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna- i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna-i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich -i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazliddin Baxadirovich- i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

June 2025

Volume 3

Number 2

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

Гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Абдуллаев Жасур Абдижабборович

Анализ показателей экономической эффективности производства мясной и молочной продукции

Абдуллаев Жасур Абдижабборович

Analysis of indicators of economic efficiency of meat and dairy products production

Abdullayev Jasur Abdijabbarovich

Received: May 8, 2025 Revised: May 18, 2025 ■ Accepted: May 19, 2025 ■ Published Online: June 1, 2025

- **Аннотация:** Ушбу мақолада сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида ва шу жумладан, Қашқадарё вилояти хўжалик юритувчи деҳқон ва фермер хўжаликларида сут-гўшт маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси ва аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш йўналишлари очиб берилган.
- **Калит** сўзлар: қишлоқ хўжалиги, сут, гўшт, маҳсулотлар, ишлаб чиқиш, самарадорлик, ем-хашак базаси, чорвачилик
- **Аннотация:** В статье анализируются факторы, влияющие на экономическую эффективность производства молочной и мясной продукции, и пути повышения ее эффективности. Раскрываются уровень обеспеченности фермеров и скотоводов Республики Узбекистан, в том числе Кашкадарьинской области, молочной и мясной продукцией, а также направления обеспечения населения продуктами животноводства.
- **Ключевые слова:** сельское хозяйство, молоко, скот, продукция, развитие, эффективность, кормовая база, животноводство.
- **Abstract:** The article analyzes the factors influencing the economic efficiency of dairy and meat production and ways to improve its efficiency. The level of provision of farmers and cattle breeders of the Republic of Uzbekistan, including the Kashkadarya region, with dairy and meat products, as well as the directions of providing the population with livestock products are disclosed.
- **Key words:** agriculture, milk, cattle, products, development, efficiency, feed base, animal husbandry.

КИРИШ

Чорвачилик соҳасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ва ундаги ўзгаришларни инфратузилма

хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш борасида кўплаб ёндашувлар амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, «2050 йилга бориб, жаҳон аҳолиси 9.1 млрд. кишига етиши мумкин. Бунда жаҳон аҳолисининг гўшт ва сут-гўшт маҳсулотларига

бўлган талаби ҳозирги кунга нисбатан 2,5-3,0 баробарга ортиши кутилмоқда» [1]. Бу эса ўз навбатида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган талабни кучайтиради.

Ўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни такомиллаштириш, ўртача кўрсаткичлар орқали комплекс таҳлил қилиш юзасидан қатор илмий изланишлар, жумладан, тизимли ёндашувни такомиллаштириш ҳисобига чорвачилик соҳасини интенсив ривожлантиришни баҳолаш, Ўшт-сут маҳсулотларининг ҳажмини ва сифатини ҳамда рақобатбардошлигини кўп омилли таҳлил қилиш бўйича кенг қўлланма илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон Ўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва унда тизимли иқтисодий-статистик таҳлил усуллари қўллаш, Ўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни баҳолашда ва прогнозларини ишлаб чиқиш устувор илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигига эришиш учун юқорида қайд этилган тадбирлар ижросини оқилона йўлга қўйиш асосий вазифадир. Шундай экан, мамлакатимизда Ўшт-сут маҳсулотларини аҳоли истеъмоли учун белгиланган тиббий меъёрларга мос равишда етиштиришни таъминлашда чорвачилик соҳасида инфратузилма хизматларининг фаолиятларини ташкил этиш жараёнидаги муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш йўллари кўрсатиш долзарб ҳисобланади.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўшт-сут маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишда янги инновациялардан самарали

фойдаланиш ва ривожлантириш масаласи мамлакатимиз ва хориж агроиқтисодчи олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Хусусан, мамлакатимиз олимларидан Н.С.Базаров [1], У.И.Исанов [2], Т.С.Маллабоев [3], С.Мехманов [4], К.Д.Мирзаев [5], Т.Омаров [6], Ж.Х.Рашидов [7], Ш.Файзиёва [8], Р.Ҳақимов [9], хориж олимларидан Г.А.Аванесова [10], И.А.Алтухин [11], В.И. Гайдук [12]лар томонидан бажарилган илмий-тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соҳада сут-ўшт маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда тармоқ самарадорлигини оширишда муҳим назарий ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилапти. Лекин, ушбу илмий-тадқиқот ишларида самарадорлик алоҳида ўшт ва сут тармоғи билан боғланган ҳолда тўлиқ ўрганилмаган. Бозор иқтисодиёти шароитида ўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш янги усуллардан тўлиқ фойдаланмаслик мукамал фаолиятсиз тўлиқ бўлмайди.

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот ишида ўшт-сут маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини оширишдаги истиқболларини белгилашда мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, суровнома ва иқтисодий таҳлилаш усуллари кенг фойдаланилган.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўшт-сут маҳсулотларини етиштиришдаги мавқеи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу билан бирга, чорвачилик тармоғида жамоа чорвачилик фермалари,

1-жадвал

Республика бўйича барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш миқдори ўзгариши [2]

МАҲСУЛОТЛАР ТУРЛАРИ	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2024 йилда 2020 йилга нисбатан, (%)
Ўшт (тирик вазнда)	998,3	1061,2	1139,4	1208,6	1287,9	129
Сут-ўшт	4280,5	4554,9	4855,6	5097,4	5426,3	126,8
Тухум (млн. дона)	1860,3	1966,7	2128,1	2214,7	2429	130,6
Жун (физик ҳажмда)	18,98	20,08	21,44	22,4	23,87	125,8
Қорақўл тери (минг дона)	674,8	688,8	726,6	780,4	896,8	132,9
Пилла	16,9	16,2	20,2	21,5	23,5	139

ҳиссдорлик жамиятлари ва хусусий чорвачилик фермалари, ширкат хўжаликлари ҳам фаолият юритишмоқда. Ширкат хўжаликлари асосан бугунги кунда фақатгина қоракўлчилик соҳасида сақланиб турибди.

Таркибий ўзгаришлар энг аввало ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғи салмоғи камайиб боришида кузатилади. Жумладан республика бўйича ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғи салмоғи сўнгги 5 йил давомида 26,6 фоиздан 19,4 фоизга камайганлигини кузатиш мумкин. Шундай ҳолат Қашқадарё вилоятида ҳам юз бермоқда, яъни вилоят ҳудудий ички маҳсулоти (ҲИМ) таркибида қишлоқ хўжалиги салмоғи республика кўрсаткичига қараганда бир қадар юқори бўлсада, муттасил камайиб бориш йўналишидаги ўзгариш юз бераётганлигини иқтисодий қонуният сифатида қабул қилиш лозим. Бу вазият мамлакат ва шунингдек вилоят иқтисодиёти ривожланишининг қишлоқ хўжалиги тармоғига боғлиқлиги даражаси камайиб боришидан далолат бермоқда.

Ушбу кўрсаткичлар ўтган даврда чорвачиликни

ривожлантириш борасидаги мамлакат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлар натижаси бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этиш борасида катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Чорвачилик маҳсулотларини аҳоли жон бошига етиштириш миқдори ва республикада чорвачилик тармоғини ривожлантириш имкониятларини ҳисобга оладиган бўлсак, экстенсив омилар ҳисобига тармоқ ривожланишидаги юқори ўсиш даражаси яна 5-6 йил сақланиб туриши кутилади (1-жадвал).

Айни пайтда чорвачилик тармоғини ривожлантиришдаги динамик ўзгаришлар турли хўжалик юритиш шакллари доирасида кескин фарқларга эга бўлган. Жумладан, чорва моллари бош сони қишлоқ хўжалик корхоналарида кескин камайиб кетган бўлса ва фермер хўжаликларида нисбатан паст суръатда ўсмоқда.

Республикада ҳар бир сигирдан ўртача соғиладиган сутни 8000 килограммга етказилса, бош сонини оширмасдан туриб ҳам сут-гўшт га бўлган аҳолининг меъёрий талабни қондириш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида гўшт ва сут маҳсулотлари импортини камайтириш имконини беради.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида сут ва гўшт (тирик вазнда) маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси [3]

КЎРСАТКИЧЛАР		ШУ ЖУМЛАДАН						
		БАРЧА ТИПЛАДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРДА, (МИНГ ТОННА)	ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ	САЛ-МОҒИ, (%)	ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ	САЛ-МОҒИ, (%)	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ	САЛ-МОҒИ, (%)
2020 йил	Сут	395,4	383,4	97,5	4,5	1,1	7,5	1,9
	Гўшт*	106,5	100,4	94,3	1,1	1	5	4,7
2021 йил	Сут	444,7	434	97,6	5,2	1,2	5,5	1,2
	Гўшт*	119,1	113,2	95	1,3	1,1	4,6	3,9
2022 7 йил	Сут	490,3	481,3	98,2	6,2	1,4	2,8	0,5
	Гўшт*	132,4	126,4	95,5	1,6	1,2	4,4	3,3
2023 йил	Сут	529,6	520,4	98,2	6,7	1,3	2,5	0,5
	Гўшт*	144,4	139,2	96,4	1,2	0,9	3,5	2,4
2024 йил	Сут	575,1	565,3	98,3	7,3	1,3	2,5	0,4
	Гўшт*	158,7	153	96,4	1,9	1,2	3,8	2,4

Изоҳ: * гўшт тирик вазнда ҳисобга олинган.

Айни пайтда сигирларнинг 8000 килограммлик сут маҳсулдорлиги республикамизда реал имконият ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти бўйича сут ва гўшт ишлаб чиқариш таҳлиллари кўрсатишича ушбу маҳсулотларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермер хўжаликлари ҳиссаси ортиб бораётган бўлсада жуда сезиларсиз аҳволда қолмоқда (2-жавдал).

Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари жами сут ва гўшт етиштириш таркибида 1-1,5 фоиз атрофидаги салмоққа эга бўлишмоқда. Хўжалик юритиш шакллари бўйича таҳлил қилинганда 2020 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши гўшт ва сут етиштиришда 2-4 фоиз атрофида бўлган бўлса кейинги йилларда камайиб борган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2020-йилда гўштнинг 5,0 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг гўшт ишлаб чиқаришдаги улуши 3,8 фоизга тушиб қолган. Фермер хўжаликларида 2023 йилда 1,9 минг тонна ёки жамига нисбатан 1,2 фоиз гўшт ишлаб чиқарилиб, 2004 йилга нисбатан эса, гўшт ишлаб чиқариш фермер хўжаликларида 172,7 фоизга ўсган.

Чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб бораётган бўлсада, гўшт ва сут етиштиришда ҳажм кўрсаткичларига эришиш мол бош сонини кўпайтириш эмас, балки маҳсулдорлик даражасини ошириш ҳисобига амалга оширилиши лозим. Бу борадаги рақамлар вилоят бўйича сигирлар сут маҳсулдорлиги жуда пастлигини кўрсатмоқда (3-жавдал).

Масалан, вилоят бўйича 2020 йилда бир сигирдан барча тоифадаги хўжаликларда 2436 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бу кўрсаткич фермер хўжаликларида

атиғи 2514 килограммни ташкил этган, бу ўртача бир сигирдан кунига 5 литрдан сут соғиб олинган дегани. Таққаслаш ўрнида яхши маҳаллий эчки зотлари кунига 7-8 литр сут беришини келтириб ўтиш жоиз. Деҳқон хўжаликлари кўрсаткичлари бир қадар юқори бўлсада, республикамиздаги мавжуд шароитларда (қорамоллар зоти, ем-ҳашак таъминоти, тўпланган тажрибалар, мутахассислар малакаси ва тармоқ дориасидаги интеллектуал салоҳият) олинishi мумкин бўлган сут маҳсулдорлигидан энг камида 2-2,5 марта пастроқни ташкил этади.

Чорва моллари маҳсулдорлиги пастлиги асосан чорва молларининг аксарияти маҳаллий паст маҳсулдор зотлар эканлиги билан изоҳланади. Шу боисдан ҳам насли чорва моллар генофондини кенгайтириш ва янги сермахсул зотларни такомиллаштиришда наслчилик хўжаликлари алоҳида ўрин тутди. Аммо, яқин тарихда қорамолчилик фермаларини хусусийлаштириш даврида наслчилик заводлари, хўжаликлари ва наслчилик фермалари хусусий тармоққа ўтиб кетди ва кейинчалик уларни ушлаб туриш қийинлиги туфайли хусусий мулкдорлар томонидан сотиб юборилди.

Бугунги кунга келиб Қашқадарё вилоятида 16 та қорамолчилик йўналишида наслчилик тоифасидаги хўжаликлари фаолият олиб бораётган бўлиб, ушбу хўжаликларда ҳам сигирлар сут маҳсулдорли жуда пастлигича қолмоқда.

Вилоятда қорамолчилик наслчилик хўжаликларида бир бош сигирдан 2020 йилда ўртача 1 860 литр сут соғиб олинган бўлса, 2024 йилга келиб 2210 литрга ошган бўлсада, маҳсулдорлик даражаси ниҳоятда паст ва наслчилик тофасига хос бўлмаган ҳолат кузатилади.

3-жавдал

Қашқадарё вилоятида барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар сут маҳсулдорлиги ўзгариши динамикаси [4]

КЎРСАТКИЧЛАР	БАРЧА ТОИФАДАГИ ХЎЖАЛИКЛАРДА	ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА	ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА
2020 йил	2436	2493	2141
2021 йил	2491	2577	2250
2022 йил	2538	3652	2595
2023 йил	3571	3705	2574
2024 йил	3594	3647	2569
2024 йилда 2020 йилга нисбатан, (%)	147,5	146,3	119,9

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимиз аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, асосан хусусий тармоқ вакиллари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали ҳар шартли чорва моли ва ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалиги ер майдони ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромад олиш миқдорини оширишни тақозо қилади. Маълумки, чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири -озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Лекин, фермер хўжаликларида ем-ҳашак экинлари салмоғи кескин камаймоқда.

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятининг айрим фермер хўжаликларида озуқабоп экин майдонларининг ҳар гектаридан 10-12 тоннадан озуқа бирлиги миқдоридаги ем-ҳашак йиғиштириб олишмоқда. Бунда қуйидаги таркибда озуқа экинларини жойлаштиришмоқда: октябрь ойида оралиқ экинлар (арпа-сули-третикале-нўхат-аралашмаси) экиб, май ойининг 2 ўн кунлигида гектаридан 300-350 центнердан донли сенаж, 1 июнга қадар оралиқ экин ўрнига силос учун маккажўхори экиб, 300 центнердан ҳосил олмақда. Гектаридан икки маротаба йиғиб олинган ҳосил 15-16 тоннага етади ва бундай тажрибаларни кенгайтириш лозим.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Чорвачиликда маҳсулдорлик даражасини оширишдаги асосий омиллардан бири сифатида тармоқда мустаҳкам озуқа базасини яратиш лозим. Бунда бизнинг назаримизда қуйидаги муаммоларга ечим топиш керак. Жумладан:

- чорва молларини меъёр даражасида озиклантиришни таъминлаш, энг аввало озуқа миқдори ва сифатини (тўйимлилик даражасини) кескин ошириш;
- ем-ҳашак экин майдонларидан унумли фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни жорий этиш;
- озуқа базасини мустаҳкамлашнинг самарали усуллари ва ҳосилдорликни 2-3 мартага ошириш имкониятларидан фойдаланиш лозим. Бунда сувли майдонларга тўйимли ва юқори ҳосил берадиган озуқабоп экинларни жойлаштиришга ҳамда икки марта ҳосил кўтаришга эътибор бериш талаб этилади;
- экинлар таркиби ва уларни жойлашишини тубдан қайта қўриб чиқиш, шунингдек, жами экин майдонлари

таркибида озуқа экин майдонлари салмоғини мавжуд 7,5 фоиз ўрнига 15-20 фоизга етказиш лозим.

Сут-гўшт йўналишидаги чорвачиликни ривожлантиришда деҳқон ва фермер хўжаликларини насли чорва моллари ва моддий-техника воситалар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим.

Соҳадаги муаммолар ем-ҳашак етишмаслиги, озуқабоп экинлар майдонлари чегараланганлиги, қишлоқ хўжалик техникалари шу жумладан, чорвачилик учун мини таркторлар ва технологик ускуналар етишмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги пайтда сут-гўшт маҳсулотининг сезиларли қисми истеъмолчиларга етиб бормасдан бузилиб қолиши, қайта ишлаш жараёнида ва сақлаш тизимидаги техник ва технологик, ташкилий ва иқтисодий номутаносибликлар сабабли рўй бермоқда. Маҳсулотни қадоқловчи ускуналар етишмаслиги ва уни республикамизда ишлаб чиқаришга эътибор сустиги туфайли қаймоғи олинмаган сут-гўшт маҳсулотлари кам ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда сут-гўшт бозорини ривожлантириш олдида турган яқин келажакдаги масала бу ички бозор тўқинлигини таъмин этиш бўлиб, асосий эътибор истеъмолчиларни импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилиши лозим.

Мамлакат аҳолисининг сут ва гўшт маҳсулотлари билан тиббий меъёрлар даражасида таъминланиши биринчи навбатда чорва ҳайвонларининг бош сонини мавжуд ем-ҳашак етиштириш имкониятлари даражасида барқарорлаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишни талаб этади.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. **Абдуллаев Жасур Абдижабборович -Қарши давлат техника университети таянч докторанти / Абдуллаев Жасур Абдижабборович-КГТУ докторант / Abdullaev Jasur Abdijabborovich -KSTU basic doctoral student**

► jasurabdullaev1311@gmail.com

■ <https://orcid.org/0009-0003-7138-8049>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1]. Базаров Н.С. Қорамолчилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари (Наманган вилояти чорвачилик хўжаликлари мисолида). Иқт. фан. ном. дис. Т., 2001. – 126 б.

- [2]. Исанов У. Экономическая эффективность развития животноводства и пути повышения (На примере Таш. обл.): дис. канд. экон. наук. – Т., 1981.
- [3]. Маллабаев Т.С. Экономические проблемы интенсификации скотоводства: дис. д-ра экон. наук. – Т., 1984. – 364 с.
- [4]. Мехманов С.У. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тармоқли истиқболли ривожланиш асосида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. – Т., 2002.
- [5]. Мирзаев Қ.Д. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқт. фан. док. дис. – С., 2012. – 295 б.
- [6]. Омаров Т. Экономическая эффективность разведения КРС и пути её повышения в новых условиях хозяйствования: дис. канд. экон. наук. – Т., 1995.
- [7]. Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари. Иқт. фан. ном. дис. – Т., 2004. – 158 б.
- [8]. Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. ном. дис. – Т., 2001. – 157 б.
- [9]. Хакимов Р. Ўзбекистон Республикаси чорвачилик маҳсулотлари бозори ва тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўналишлари. Монография. Т.: Ч.П.Воеводина В.Н. 2005. – 124 б.;
- [10]. Аванесова Г.А. “Сервисная деятельность”. Учебное издание. – Москва: ЗАО “Аспект Пресс”, 2005. – 310 с.
- [11]. Алтухин И.А. Повышение эффективности использования пород крупного рогатого скота в агропромышленном комплексе: автореф. дис. д.э.н. – М., 1988. – 32 с.
- [12]. Гайдук В.И., Бершицкий Ю.И., Шибанихин Е.А., Березенков В.В., Артемова Е.И. Организационно-экономические аспекты повышения эффективности молочного скотоводства и кормопроизводства. – Краснодар: КГАУ, 2006. – 172 с.